

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХУСАНОВ АНВАР ДЖУМАБАЕВИЧ**

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ  
КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Хусанов Анвар Джумабаевич**

Йўл-транспорт ҳодисаларини қайд этишнинг криминалистик  
таъминотини такомиллаштириш ..... 3

**Хусанов Анвар Джумабаевич**

Совершенствование криминалистического обеспечения фиксации  
дорожно-транспортных происшествий..... 25

**Husanov Anvar Dzhumabaevich**

Improvement of forensic support of fixing of road  
accidents..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХУСАНОВ АНВАР ДЖУМАБАЕВИЧ**

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ  
КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Yu172 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пулатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Тулаганова Гулчехра Захитовна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 17 март соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 3 март куни тарқатилди.

(2020 йил 26 февралдаги 19-рақамли реестр баённомаси).

**А.С. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Р. Кабулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда мавжуд ҳисоб-китобларга қараганда ҳар йили автохалокатлар натижасида тахминан 1,35 миллион нафар инсон нобуд бўлмоқда. 20 миллиондан 50 миллионгача одамлар ногиронликка олиб келувчи жароҳат олмақдалар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бу кўрсаткичлар кейинги 20 йил ичида тахминан 65 % га кўпайиши мумкин<sup>1</sup>. Йўл-транспорт ҳодисалари (бундан буён мантда – ЙТХ)нинг сарф-харажатлари аксарият мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 3 %ни ташкил этмоқда<sup>2</sup>. Ҳозирда ЙТХ натижасида ҳалок бўлганлар улуши Америка минтақасида ҳар 100 минг нафар аҳолига – 15,9, Европада – 9,3, Африкада – 26,6, Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида – 17, Ғарбий Тинч океани минтақасида – 17,3 нафарни ташкил этмоқда<sup>3</sup>. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ЙТХни тергов қилиш самарадорлигини ошириш заруратини ҳамда ушбу турдаги жиноятларни самарали очиш ва тергов қилиш учун далилларнинг қайд этилиши ва эксперт-криминалистик мустаҳкамланишини таъминлаш муаммоларини юзага келтирмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти бўйича жадал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Уларда бу борада айниқса жиноятчиликка қарши курашнинг автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ва компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаларини жорий этишга қаратилган «West Law», «Lexis Nexis» ва бошқа ҳуқуқий маълумот берувчи халқаро тизимлардан кенг фойдаланиш, криминалистик ва бошқа экспертизаларни фаол татбиқ этиш, шунингдек уларни қўллаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ЙТХ терговини криминалистик таъминлашга оид муаммоларни таҳлил қилишда инновацион криминалистик технологиялардан тўлиқ фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, автотехник экспертизаларни тайинлаш кўрсаткичи 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 129 %га ошган<sup>4</sup>. Бироқ ЙТХни тергов қилишда далилларни тўплаш, қайд этиш, текшириш ва баҳолашда илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш механизмидаги мавжуд муаммолар фаолият самарадорлигини пасайтирмоқда. Шу боис, жиноятларни очиш ва тергов қилишда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти бўйича назарий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш орқали келгусида улардан жиноятчиликка қарши курашишда янада самарали фойдаланишга эришиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> <http://www.unrussia.ru/ru/agencies/vsemirnaya-organizatsiya-zdravookhraneniya-voz>.

<sup>2</sup> <https://www.autostrada.uz/statistika-dtp-2019/>.

<sup>3</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/road-traffic-injuries>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази маълумотлари асосида берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон, 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини ўрганиш одатда бошқа мавзу ёки ҳуқуқ тармоғи доирасида, яъни жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳаси билан шуғулланувчи олимларидан Г.А. Абдумажидов, М.А. Ражабова, З.Ф. Иногамжанова, А.К. Расулев, У.А. Тухташева, А.А. Матчанов, Б.Н. Рашидов; криминалист олимлардан Л.П. Баканова, К.А. Сабиров, Т.Б. Маматкулов, Ш.Х. Камиллов, Х.А. Тураббаев; жиноят ҳуқуқи соҳаси олимларидан А.С. Якубов, Р. Кабулов, Л.Г. Шайбазян, В.П. Коняев ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти оид илмий-техникавий билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари И.Р. Астановнинг тадқиқотида муайян даражада ёритилган.

Чет давлатларда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти масалалари О.Д. Ким (Қирғизистон Республикаси), Ю.И. Крикунов, С.Н. Путивка, С.М. Ремизов, С.Л. Рижиков, Э.Т. Сидоров, Л.Б. Сиромля, Н.В. Чих (Россия Федерацияси), С.Е. Еркенов, А.Оспанов (Қозғистон Республикаси), Р.В. Скачек (Беларусь Республикаси), С.В. Бондарь, И.И. Татарин, А.М. Шабадей, С.О. Шевцов, К.В. Дубонос (Украина Республикаси), А.А. Мухитдинов (Тожикистон Республикаси), Ian K. Pepper, John Horswell (Буюк Британия), David E. Learner, Barry A. J. Fisher, David R. Fisher (АҚШ), Chris D.L. Hunt, Rod Gehl, Darryl Plecas (Канада), Cameron S.D. Brown (Австралия), Seswantsho Godfrey Lebeya (Жанубий Африка Республикаси) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу ва бошқа олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Юқорида номлари келтирилган муаллифлар криминалистика фанининг ривожига муайян ҳиссаларини қўшганлар. Бироқ мамлакатимизда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Криминалистик экспертизаларни ўтказиш ва расмийлаштиришни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион криминалистик технологиялар ёрдамида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини ошириш йўллари аниқлашга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти жиноят-процессуал ва криминалистик тавсифини ўрганиш;

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти механизмининг хусусиятларини таҳлил қилиш;

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти механизмини қўллашга доир муаммолар мажмуини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда уларнинг суриштирувчи, терговчи, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолияти бўйича ташкилий шакллари ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

криминалистик методика, тактиканинг ҳозирги имкониятлари, суд экспертизаларини ўтказиш, тергов ҳамда эксперт фаолиятини автоматлаштириш ва дастурлаштиришнинг афзалликлари, шунингдек унда мутахассисларнинг кенг иштирок этиши асосида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотидан жиноятларни очиш ва тергов қилишни қўллашда фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация устида ишлаш жараёнида илмий билишнинг индукция, дедукция, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, формал-мантикий, тарихий, аниқ социологик усуллар, шунингдек илмий манбаларни ўрганиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш усуллари кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда кўринади:

жиноят-процессуал қонунчиликда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти чоғида экспертиза муассасасидан ташқаридаги экспертнинг мақомини ҳуқуқий мустаҳкамлаш лозимлиги исботланган;

замонавий инновацион технологиялар асосида жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш вақтида ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашда трасологик криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар, махсус турдаги автотехник ва бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиш амалиётини жорий этиш зарурати илмий асосланган ҳамда унинг тартиб-таомиллари ва механизмлари ишлаб чиқилган;

сифатли ва мақбул далилларни тўплаш самарадорлигини ошириш учун қонун ҳужжатларида ЙТХни қайд этишни криминалистик таъминлашга имкон берувчи суд-транспорт-трасологик, суд-трасологик ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказиш ҳуқуқини нодавлат ташкилотларга ҳам беришни назарда тутувчи нормаларни белгилаш зарурати илмий асосланган;

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини ошириш учун мазкур тоифадаги ишлар бўйича анъанавий ва махсус турдаги экспертизаларни бирлаштириш асосида ЙТХ механизмини комплекс тадқиқ этиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖК) 183-моддасига экспертиза муассасасидан ташқаридаги экспертнинг мақомини ҳуқуқий мустаҳкамлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Бу эса ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг мақбул механизми ишлаб чиқилишига хизмат қилган ҳамда ушбу жиноятларни очиш ва тергов қилишда суд-экспертизасининг криминалистик имкониятларидан сифатли фойдаланиш алгоритмини аниқлашга имкон берган.

Суд-транспорт-трасологик, суд-трасологик ва бошқа турдаги экспертизаларнинг нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам ўтказилиш амалиётини кенг қўллаш борасидаги таклифлар келгусида иш юзасидан олинган далилларнинг шаффоф, рақобатбардош ва ҳаққоний бўлишига хизмат қилади.

Анъанавий ва махсус турдаги экспертизаларни бирлаштириш асосида ЙТХ механизмини комплекс тадқиқ этишга қаратилган таклифлар ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти механизми мустаҳкамланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор хорижий тажрибаси, социологик тадқиқотларни анкеталаштириш, интервью олиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш



натижаларини умумлаштириш каби шакллари тегишли ҳужжатлар билан асослангилган. Хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармаси ва Эксперт-криминалистик бош марказининг 2015–2019 йилларга оид расмий статистик маълумотлари, 240 нафар эксперт, 210 нафар терговчи ва суриштирувчи ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 150 та жиноят ишини ўрганиш таҳлиллари умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг хулосалари, таклиф ва тавсияларидан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини талқин этишда, шунингдек криминалистик экспертизалар, криминалистика, жиноят-процессуал ҳуқуқ, дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳуқуқи фанларини назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар одил судлов вазифаларини бажаришда ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини ошириш ва уни янада мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Олинган натижалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш фаолиятида ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини янада оширишга, бу борадаги амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида ЎТХнинг қайд этилишини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти чоғида экспертиза муассасасидан ташқаридаги экспертнинг мақомини ҳуқуқий мустаҳкамлашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 183-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 7 августдаги 06/1-05/2778-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши қонунчилик ва амалиётда ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти механизми билан боғлиқ мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларнинг тугатилишига хизмат қилган;

замонавий инновацион технологиялар асосида жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш вақтида ЎТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашда трасологик криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар, махсус турдаги автотехник ва бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиш амалиётини жорий этишга доир таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон Қарорининг 2-илоvasи билан

тасдиқланган низомнинг 2-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 20 ноябрдаги 21/1347-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши илмий асосланган далиллар олиш учун ЙТХни қайд этишда криминалистик экспертизалар ўтказиш механизмини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

илмий асосланган далилларга эга бўлишда ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашга имкон берувчи суд-транспорт-трасологик, суд-трасологик ва бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиш ҳуқуқини нодавлат ташкилотларга ҳам беришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон Қарорига 1-Илова билан тасдиқланган рўйхатни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 2 декабрдаги 21/1479-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд-транспорт-трасологик, суд-трасологик ва бошқа турдаги экспертизаларни сифатли ўтказиш, суд-экспертиза муассасаларида замонавий автоматлаштирилган тизим, дастур ва маълумот базалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини ошириш учун мазкур тоифадаги ишлар бўйича анъанавий ва махсус турдаги экспертизаларни бирлаштириш асосида ЙТХ механизмини комплекс тадқиқ этишга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июндаги «Эксперт-криминалистика бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 108-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқноманинг 28-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 7 январдаги 21/14-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши автотехник, трасологик ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказилишининг криминалистик тактикасини такомиллаштиришга, ЙТХнинг қайд этилиши, жиноятларнинг очилиши ва тергов қилинишини криминалистик таъминлаш бўйича амалиёт самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 4 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 3 та илмий мақола (улардан 1 таси хорижда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантилган,

муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг ИИВ Академияси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти: ҳуқуқий таҳлил ва ҳозирги ҳолати**» деб номланган бўлиб, ЎТХ билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти билан боғлиқ амалиётни илмий-назарий таҳлил қилишга бағишланган. Унда ЎТХни қайд этиш механизмларини ҳамда ушбу жараёнда криминалистик тавсифнинг хусусиятларини амалга оширишда суриштирув, тергов органлари, эксперт бўлинмалар фаолиятининг ҳозирги ҳолати тадқиқ этилган, мавжуд муаммолар кўрсатилган, уларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Муаллиф ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотини таҳлил қилиш асосида ЎТХ билан боғлиқ жиноятлар содир этилганида далилий маълумотларни мустаҳкамлаш механизмини замонавий тушунишга асосланадиган янгича ёндашувни асослантирган. Бунинг учун ҳодиса жойида дастлабки тадқиқот ўтказаетган шахсга мутахассис мақомини бериш таклиф этилган. Бу эса исботлаш жараёни билан боғлиқ фаолиятни осонлаштиришга имкон яратади.

ЎТХ билан боғлиқ жиноят ишларида йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатлари билан ЎТХ ўртасида «бевосита» ва «билвосита» сабаб-оқибат алоқаси мавжудлиги ҳақидаги хулоса асослантирилган.

Мазкур соҳадаги камчиликларни таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини оширишнинг ташкилий ва методик кафолатлари таклиф этилган. Терговга қадар текширув жараёнида ўтказилган тадқиқотлар натижаларини исботлаш жараёнида ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида дастлабки текширувни бажараетган шахсга мутахассис мақомини бериш таклиф этилган. Ушбу шахс сифатида кўпинча, масалан, экспертиза муассасаси ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими иштирок этади, шунингдек ушбу мутахассиснинг тадқиқот ҳақидаги маълумотномасига мутахассис хулосаси мақомини бериш таклиф этилган. Бу эса исботлаш жараёни билан боғлиқ фаолиятни анча осонлаштиришга имкон яратган.

Диссертант ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, ЎТХни қайд этиш механизмини мақбуллаштириш зарурлиги ҳақида хулосага келган. Унинг фикрича, бу ушбу соҳадаги жиноятларни тез ва сифатли тергов қилишнинг зарурий шартидир. Ҳозирги вақтда ушбу механизм бу турдаги жиноятларни очишга қўйилаётган замонавий талабларга мос келмайди. ЎТХни тергов қилиш жараёнида ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти билан боғлиқ муаммолар орасида тадқиқ этилаётган ҳодисанинг табиати билан боғлиқ билиш

жараёнининг мураккаблиги таъкидланади. Зеро, ЙТХ юз бераётган жараёнларнинг жадаллиги билан ажралиб турадиган ҳодисадир.

Муаллиф ЖПКнинг 67–70-моддалари мазмунидан келиб чиқиб, юзага келган ҳуқуқни қўллаш амалиётида эксперт ва мутахассисни жалб қилишнинг учта зарурий ҳолати – тегишли экспертизани ўтказиш, маълумотнома-маслаҳат маълумотларини тақдим этиш, ЙТХни тергов қилишда тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида техник ёрдам кўрсатиш – ажратилгани ҳақидаги хулосага келган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасида ЙТХни тергов қилиш амалиётига хос бўлган мавжуд процессуал, ташкилий ва методик камчиликларга ҳамда ЙТХ ҳақидаги ишларни тергов қилишнинг тузилишини ўзгартириш орқали ушбу камчиликларни бартараф этиш мумкинлигига эътибор қаратган. Жумладан, далилий маълумотлар ва моддий объектларни ЙТХ содир этилган жойда сифатли қайд этиш мақсадида барча ҳолларда ЙТХ жойига чиқиш ҳамда комплекс тергов-тезкор гуруҳи ташкил қилиш таклиф этилган.

Муаллиф ушбу процессуал ҳаракатнинг тушунчалар аппаратини аниқлаштирган ва мазмунини очиб берган. Унга кўра, ЙТХ қайд этилишини криминалистик таъминлашнинг криминалистик тавсифи деганда, суд-экспертизаси ўтказиш, ахборот-коммуникацион ва бошқа инновацион технологияларни мақбул тарзда қўллаш соҳасида, ЙТХни тергов қилаётган органлар ушбу турдаги жиноятларни очиш ва тергов қилишда далилий базани яратиш учун зарур ҳажмда далиллар олишида илмий-техникавий билимлар мажмуини ҳамда криминалистик методиканинг амалий кўникмаларини тизимлаштириш тушунилади.

Ушбу тадқиқотда диссертант ЙТХни қайд этиш жараёнининг криминалистик тавсифини ҳамда ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш вақтидаги исботлаш жараёнида бундан фойдаланиш механизминини аниқлаштиришга ҳаракат қилган. Ҳозирги вақтда бу масалада бир тўхтама келинмаган. Ушбу хулоса криминалистика, жиноят процесси, суд экспертизаси соҳасида мавжуд илмий манбаларни ҳамда миллий, хорижий жиноят-процессуал қонунчилик ҳуқуқий нормаларининг мазмунини таҳлил қилиш асосида далиллар билан асослантирилган.

Диссертация тадқиқотида «ЙТХни криминалистикага оид илмий-техникавий билимлар ютуқларидан фойдаланган ҳолда қайд этишни таъминлашнинг криминалистик тавсифи» тушунчасига берилган таъриф жиноятларни очиш ва тергов қилишда илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйишни тақозо этади. Диссертант юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга ўзгартиш киритиб, унинг 22-моддасини исботлаш жараёнида илмий-техникавий билимларни қўллаш зарурлиги асослантирилган янги 5-қисм билан тўлдиришни таклиф этади.

Диссертациянинг биринчи боби якунида ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти бўйича амалга оширилган илмий-назарий таҳлил ва ЙТХни қайд этишнинг ҳозирги ҳолати ЙТХ билан боғлиқ ишлар бўйича исботлаш жараёнида криминалистик тавсифнинг хусусиятларини очиб бериш

мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш заруратини белгиловчи асосий омиллар ҳисобланади, деган хулосага келинган.

Диссертациянинг «**ЙТХни очиш ва тергов қилиш жараёнида уларнинг қайд этилишини таъминлаш механизмининг криминалистик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ЙТХ жойини кўздан кечиришни қайд этиш механизмининг криминалистик хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар, эксперт ва мутахассиснинг ЙТХнинг қайд этилишини таъминлаш механизмида иштирок этиши масалалари, суриштирувчи, терговчининг мазкур жинойт ишини очиш ва тергов қилиш жараёнида эксперт ва мутахассислар билан ҳамкорлигининг криминалистик шакллари тадқиқ этилган.

Муаллифнинг қайд этишича, компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда йўл-транспорт ҳодисаси жойини тўғри қайд этиш учун космосдан фотосуратга олиш ҳамда сунъий йўлдош навигация тизимлари соҳасидаги инновацион технологиялардан фойдаланиш зарур. Йўл қатнов қисмининг аниқ тасвирини олишга имкон берувчи янги компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ёки мавжудларини мослаштириш йўл-транспорт ҳодисаси жойида, айниқса воқеа жойини кўздан кечириш баённомасига қўшимча чизмалар тузиш билан боғлиқ бўлган ҳамда амалга оширилаётган ўлчовларнинг юқори даражада аниқ бўлишини ва объектлар пропорцияларини тўғри акс эттиришни, йўл конфигурациясини қайд этишни талаб этувчи мураккаб ва фавқулодда муҳим босқичда воқеа жойини кўздан кечиришни янги даражада кўтариш имконини беради.

Криминалистик ва бошқа фанлар бўйича, илмий натижалар асосида ҳодиса жойини тадқиқ этиш ҳажми деганда: 1) объектлар; 2) тадқиқот методлари ва техник воситалари; 3) тадқиқот субъектлари ва иштирокчилари бўйича зарур тадқиқотларнинг барча кўрсаткичларини амалга ошириш чоралари тушунилади. Диссертант шу асосда миллий ва хорижий криминалист олимларнинг фикрларини тадқиқ этиш ва амалиётни таҳлил қилиш асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаси жойини кўздан кечиришнинг бориши ва натижаларини қайд этиш механизми ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги ва уни тубдан такомиллаштириш зарурлигига доир хулосани асослаб берган. Йўл-транспорт ҳодисаси жойини кўздан кечириш натижасида далилларни қайд этиш, расмийлаштириш, улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадларида муаллиф замонавий инновацион технологияларни қўллаш механизмини такомиллаштириш зарур, деган хулосага келган. Муалиф «FOCUS 3D FARO» лазер сканери ёрдамида йўл-транспорт ҳодисаси жойини кўздан кечириш натижасида далилларни қайд этиш, «West Law», «Lexis Nexis» автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ва компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаларини жорий этиш ва бошқа тизимлар орқали бу турдаги жинойтларни очиш ва тергов қилишда инновацион ёндашувларни жорий этиш механизмини ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмаларининг ходимлари орасида ўтказилган анкета сўрови асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаси

жойини кўздан кечиришнинг бориши ва натижаларини қайд этишдаги асосий муаммоларни таҳлил қилган. Улар ичида қуйидаги муаммолар аниқланган: инновацион технологияларни йўл-транспорт ҳодисаси жойини кўздан кечиришда уларни қўллаш тартиби ҳозирги замон талабларига мос келмаслиги (ахборот-коммуникацион технологиялар самарадорлигининг пастлиги, уларни қўллаш алгоритми йўқлиги ва ҳ.к.) – 35,7 %; янги видеокузатувни олиб бориш ускуналарини қўллашнинг дастурий таъминоти йўқлиги («дрон», «квадрокоптер» каби ўзи учар ускуналарни қўллаш ҳамда 3D-форматида қайд этишга хизмат қиладиган «АМАТА» дастурларидан фойдаланиш зарурлиги ва ҳ.к.) – 44,3 %; инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаси жойини кўздан кечиришни оптималлаштириш учун тегишли операторларни тайёрлаш зарурлиги – 9,7 %; эксперт-криминалистик бўлинмалар билан бошқа хизматлар ўртасидаги ҳамкорлик даражасининг пастлиги – 6,3 %; бошқа муаммолар – 4,0 %.

Муаллиф тадқиқот доирасини ҳодиса жойини текширишга қаратилган илмий-техникавий билиш воситалари, инновацион технологияларни қўллаш бўйича фаолият сифатида баҳолаш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу тергов ҳаракати муайян доирада амалга ошириладигани, ундан ташқарида тадқиқот натижаларининг аниқлиги йўқолади ҳамда мутахассисларнинг билими, касбий маҳорати, шунингдек тегишли адабиёт ва материалларга асосланган махсус усулларни қўллаш зарурати юзага келади. Бундан ташқари, ЙТХ жойини кўздан кечиришнинг иш босқичи мисолида ҳодиса жойида тадқиқот ҳажми ва доирасига риоя этган ҳолда билиш фаолиятини амалга ошириш кўрсатилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, йўл-транспорт ҳодисаси жойига етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари тўғри (ишончли) маълумотларни олиш мақсадида илмий ва криминалистик усуллардан қандай фойдаланишларидан қатъи назар, пировардида энг муҳим визуал ахборот асосий процессуал ҳужжатлардан бирида қайд этилиши лозим. Ушбу ҳужжат асосида кейинчалик автотехник экспертиза ўтказилибгина қолмай, содир этилган ЙТХнинг ўзи ҳам терговчи ва судьялар томонидан психологик идрок этилади.

Шунингдек мазкур бобда ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилишда эксперт ва мутахассиснинг роли ва аҳамияти очиб берилади.

Диссертант томонидан амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқшунос олимлар (Г.А. Абдумажидов, О.Д. Ким, Ю.И. Крикунов, С.Н. Путивка, С.М. Ремизов, С.Л. Рыжиков, Э.Т. Сидоров, Л.Б. Сыромля, Н.В. Чих, Р.В. Скачек С.В. Бондарь, И.И. Татарин, А.М. Шабადей, С.О. Шевцов, К.В. Дубонос, John Horswell, David E. Learner, Barry A. J. Fisher, David R. Fisher, Chris D.L. Hunt, Rod Gehl, Darryl Plecas)нинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган ҳолда «йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилиш жараёнида уларнинг қайд этилиши механизмини таъминлаш» тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Бундан ташқари, тадқиқотда хорижий давлатлар: Австралия, АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Франция Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея Республикаси,

Россия Федерацияси, Беларусь ва Украина республикалари қонунчилигини ўрганиш натижалари асосида ЎТХни тергов қилиш жараёнида уларнинг қайд этилиши механизмига доир экспертиза муассасасидан ташқарида экспертиза ўтказиш билан боғлиқ муносабатларнинг қонун даражасида тартибга солиниши лозимлиги юзасидан хулосага келинган ҳамда «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилган.

Муаллифнинг фикрича, эксперт криминалист вазифасида иштирок этиб, суриштирув ва тергов органларига из ва ашёвий далилларни топиш, қайд этиш ва олишда ёрдам беради. Айни вақтда эксперт фаолиятида қуйидаги жиҳатлар ажратилади: излов (ҳодиса жойида); билиш (эксперт тадқиқотининг бошланғич босқичи сифатида); реконструктив (олинган ахборотни таҳлил ва синтез қилиш, ишчи гипотеза шакллантириш, тадқиқот режасини тузиш ва якуний хулосаларни ишлаб чиқиш); тасдиқлаш (ЎТХ жойидаги фаолиятни акс эттиришнинг баённома шакли).

Шахс жалб қилинган тергов ҳаракати якунланганидан кейин ҳам ЎТХ ҳақидаги жиноят иши бўйича мутахассис сифатида қолади. Мазкур шахс мутахассис сифатида жалб қилинган жиноят процесси якунланган пайтгача мутахассисга бериладиган муайян ҳуқуқларга эга бўлади. Мутахассис ўз ҳуқуқларининг бир қисмини иш бўйича жиноят процесси якунланганидан кейин ҳам амалга ошириши мумкин. Бундай ҳуқуқлар сирасига, энг камида, ўз вазифаларини бажаргани учун ҳақ олиш (ушбу вазифаларни хизмат топшириғи тартибида бажариш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек терговчининг (суриштирувчининг ва ҳоказо) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва (ёки) қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи киради.

Диссертант тадқиқотда «мутахассис» атамасидан тор ва кенг маънода фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келади. Махсус билимларга эга бўлган шахс процессуал ҳаракатда мутахассис сифатида иштирок этиш учун терговчи (суриштирувчи ва бошқалар) ҳузурига чақирилган (таклиф этилган) пайтдан эътиборан мутахассисга айланади. ЖПКда «мутахассис» тушунчаси орқали ифодаланган маънодаги муайян махсус билимларга эга бўлган шахс мутахассис ҳисобланади ва у терговчи (суриштирувчи ва бошқалар)да бундай билимлардан фойдаланиш зарурати пайдо бўлган пайтдан мутахассисга айланади.

Шу муносабат билан, муаллиф ЖПК 67-моддасининг учинчи қисми ҳамда 69-моддасининг бешинчи қисмига «эксперт», «мутахассис», «суд экспертизаси», «эксперт ва мутахассис хулосалари» тушунчалари ифодаланган алоҳида бандларни киритиш таклифини асослантирган.

Суд экспертизалари таснифини қонунда белгилаб қўйиш учун диссертант Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунини янги 9<sup>1</sup> ва 9<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдиришни таклиф этади. Жумладан, қонунда суд экспертизаларини тадқиқот предмети, сифати ва ўтказилиш кетма-кетлиги ҳамда сони бўйича таснифлаш таклиф этилган. Шунингдек, қонунда экспертиза

тайинлаш ҳуқуқига эга мансабдор шахс ва органларнинг белгиланиши асосланган.

Диссертант «эксперт тадқиқоти» тушунчасини таърифлаш масаласи очик қолган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, эксперт тадқиқоти деганда инновацион технологиялар ва илмий-техникавий тараққиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, содир этилган жиноят ҳолатлари ҳақида янги маълумотларга эга далилий ахборот манбаларини аниқлаш ва тадқиқ этиш орқали яширинган из, белги ва ашёвий далилларнинг хоссаларини ўрганишга қаратилган мураккаб ҳаракат тушунилади.

Муаллиф йўл-транспорт ҳаракати соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш учун масъул органларнинг йўл-транспорт жиноятларини очиш ва тергов қилишда эксперт-криминалистик бўлинмалар ходимлари билан ҳамкорлигини терговга жалб этиладиган ҳамда илмий-техникавий тараққиёт, эксперт-криминалистик фан ютуқларини, ахборот-коммуникация ва бошқа инновацион технологияларни кўллаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлган эксперт ва мутахассисларнинг даражасига қараб тергов ва бошқа процессуал тадбирларни биргаликда режалаштириш, тайёрлашни мувофиқлаштириш, ўтказишга қаратилган жамоавий фаолият сифатида таърифлайди.

Муаллиф жиноятларни тергов қилувчи органларнинг ЙТХни тергов қилиш жараёнида эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг ходимлари билан ҳамкорлик шаклларини қуйидагича таснифлаган:

норматив-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бўйича – *процессуал ва нoproцессуал*;

амалга оширилиш давомийлиги бўйича – *доимий, муваққат, бир марталик*;

ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусияти бўйича – *тергов-тезкор гуруҳлари таркибидаги ҳамкорлик, айрим тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш, иш бўйича материалларни биргаликда таҳлил қилиш ҳамда бажариладиган чора-тадбирларни режалаштириш ва ҳоказо*;

ҳамкорлик ташаббускори бўйича – *терговга қадар текширувни амалга оширадиган органлар, суриштирув органлари, тергов органлари*.

Диссертацияда ЖПКни «Мутахассис хулосаси ва сўрови» деган алоҳида боб билан тўлдириш, ушбу бобда «Мутахассис хулосаси», «Мутахассис хулосасини олиш тартиби», «Мутахассис хулосасини тақдим этиш» ва «Мутахассисни сўроқ қилиш» моддалари акс эттирилиб, уларда ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилинмаган барча масалаларни тартибга солиш зарурлигига оид хулоса асослантилган.

Қонунда ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам назарда тутилмагани боис диссертант жиноят-процессуал қонунчиликда мутахассис хулосаси борасидаги камчиликлар тугатилса, эксперт текшируви талаб этилмайдиган кўпгина масалалар бўйича мутахассис хулосасини олиш имкони пайдо бўлади, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда ҳамкорлик субъектлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам келтирилган. Сўров иштирокчилари ҳам ЙТХни тергов



қилишда жиноятларни тергов қилувчи органларнинг эксперт-криминалистик бўлинмалар ходимлари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг етарли ишланмаганлиги ҳам бундай ҳамкорликнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи омил эканлигини таъкидлашган.

Диссертация иккинчи бобининг хулосасида жиноятларни тергов қилувчи органларнинг ЙТХни тергов қилишда эксперт-криминалистик бўлинмалар ходимлари билан ҳамкорлигини ташкил қилишнинг жиноят-процессуал тартиби, шунингдек улар ўртасида самарали ҳамкорликка тўсқинлик қилаётган омиллар таҳлил қилинган, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**» деб номланиб, унда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти борасидаги чет эл тажрибаси, ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилиш хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида жиноятларни очиш ва тергов қилишда ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлаш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари тадқиқ этилган.

Муаллиф ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни очиш, тергов қилиш билан шуғулланувчи органлар ва мансабдор шахслар фаолияти борасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш асосида илғор хорижий тажрибани мамлакатимизнинг миллий ҳуқуқий тизимига оддийгина кўчириб қўйиш кутилган натижани бермаслигини таъкидлайди. Диссертацияда ушбу тажрибани ижодий ўзлаштириш ва маҳаллий шароитга мослаштириш, бунда миллий менталитетдан фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа эканлиги кўрсатилган.

Муаллиф хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш орқали ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашни такомиллаштириш халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликка ҳар томонлама ёндашиш ҳамда уларнинг хусусиятларини инобатга олишни талаб этишини таъкидлайди. Хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунчилиги нормаларини таҳлил қилиш улар ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлаш механизмига катта таъсир кўрсатишидан далолат бермоқда. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда судга қадар иш юритиш қидирувга асосланган суриштирув, жиноят иши кўзғатиш, мусобақага асосланиб ўтказиладиган дастлабки тергов каби босқичларда амалга оширилади.

Жиноятларни тергов қилишда ЙТХ қайд этилишини таъминлашнинг ташкилий-тактик жиҳатларини тадқиқ этиш автотехника соҳасидаги тегишли мутахассис ва экспертларни ўз вақтида жалб қилиш борасида муаммо борлигини кўрсатди. Муаллиф хорижий тажрибага асосланиб, мобиль гуруҳ ташкил қилиш зарурлиги, унинг таркибига автотехника соҳасида билимга эга мутахассислар киритилиши лозимлиги ҳақида хулоса чиқаради.

ЙТХни криминалистик қайд этиш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ЙТХ содир этилганида далилларни қайд этиш механизми далилий базани криминалистик усуллар, ЙТХ билан боғлиқ жиноятларни тўлиқ,

сифатли очиш ва тергов қилишга қаратилган усуллар ва тактика ёрдамида мустаҳкамлашни назарда тутаяди, деган хулоса чиқаришга имкон берилади.

АҚШ, Германия, Франция Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея Республикаси, Украина Республикаси, МДХ ва Балтиқ денгизи мамлакатларида ушбу механизм ЎТХга оид жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг бутун жараёни (динамикаси)ни қамраб олади. Улар далилий базани аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун автомобиль техникаси соҳасидаги мутахассислар, экспертларни тез-тез ва кенг жалб қилиб турадилар. Ушбу мутахассислар биргаликдаги фаолият самарадорлигини ошириш учун яқин ҳамкорлик қиладилар.

Мазкур жиноятларни очиш ва тергов қилиш борасидаги замонавий хорижий амалиёт ЎТХни тергов қилиш билан боғлиқ ишлар нисбатан мураккаблигидан далолат берилади. Бундай ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва экспертиза муассасалари ходимларидан алоҳида касбий тайёргарликни, ҳодисалар юз берган жойларда кечиктириб бўлмас ҳаракатларни бажариш борасида етарли тажриба ва тезкорлик бўлишини, улар ҳақидаги хабарлар юзасидан чора кўриш учун сарфланадиган вақтни камайтиришни, ЎТХ юзага келган ҳудудларда эксперт-техник ёрдам кўрсатиш ривожлантирилишини, вазиятни ўз вақтида қайд этишни ҳамда тергов ўтказиш ҳаракатларини камайтиришни талаб қиладди.

Мазкур талабларни бажариш учун ЎТХни тергов қилувчи ходимларга тезкор-қидирув фаолиятининг айрим усулларида фойдаланиш ҳамда умумдавлат даражасидаги тезкор ҳисобларга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун улар дастлаб криминалистика, трасология, автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши назарияси масалалари ҳамда бошқа тегишли йўналишлар бўйича касбий тайёргарлик кўрадилар.

Муаллиф илғор хорижий тажрибани умумлаштириш асосида ундан ЎТХ билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилишда ушбу ҳодисаларнинг қайд этилишини криминалистик таъминлаш механизмини такомиллаштириш учун фойдаланиш истиқболлари мавжуд, деган хулосага келади. ЎТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлаш борасидаги хорижий тажрибанинг қўлланиши тергов ҳаракатларини ўтказиш, тегишли экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш бўйича криминалистик методикаларни такомиллаштиришда ёрдам бериши лозим.

Ушбу тоифадаги жиноятларни очиш тактикаси ва методикасини такомиллаштиришнинг асосий, истиқболли йўналишлари ёритилади. Масалан, муаллиф бундай ишларни очиш ва тергов қилиш жараёнида инновацион дастурлар, ҳодиса жойини кўздан кечириш, тергов ҳаракатлари ўтказиш, суд экспертизалари тайинлаш ва баённомаларни расмийлаштиришда энг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлигини асослаб берилади.

Мазкур жараённи қуйидаги босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ: инновацион маҳсулот яратилишидан аввал келадиган *биринчи босқич* унга зарурат пайдо бўлган пайтдан бошланади; *иккинчи босқич* янгилик яратиш ва

уни илмий-техникавий маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришга жорий этишдир; *учинчи босқич* инновацияларни барча даражалардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига мақсадли равишда ва ҳамма жойда жорий этишда намоён бўлади.

Диссертантнинг юқорида келтирилган таклифлари экспертиза фаолиятини мақбуллаштириш ва унинг илмий-техникавий салоҳиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, илмий-методик, моддий-техникавий ва бошқа чоралар мажмуини амалга ошириш зарурлигидан далолат беради. Ана шундай чоралардан бири экспертиза муассасалари тизимини ўзгартириш, жумладан экспертиза муассасаларининг ягона ва комплекс тизимини яратиш бўлиши лозим. Бу эса қуйидагиларга имкон беради: биринчидан, экспертнинг идоравий бўйсунушдан озод қилиниши муносабати билан ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллиги; иккинчидан, юкломани экспертлар ўртасида қайта тақсимлаш эвазига иш ҳажмини оқилона нормалаштириш; учинчидан, экспертлар касб маҳоратини ошириш учун шароитлар яратиш. Пировардида, экспертиза муассасаларининг ягона тизими яратилиши экспертиза муассасаларининг бутун илмий ва амалий салоҳиятини уларга хос функцияларни бажаришга йўналтириш ҳамда ўз вазифаларини муваффақиятли уддалаш имконини беради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, диссертант ушбу турдаги жиноятларни очиш ва тергов қилишда ЙТХни қайд этишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ўзаро боғлиқ қуйидаги учта масалани ҳал қилишда намоён бўлади, деган хулосага келади: қайд этишнинг жиноят-процессуал тартибини такомиллаштириш; эксперт-криминалистик фаолиятда инновацион технологиялардан фойдаланиш; ушбу жиноятларни очиш ва тергов қилиш билан шуғулланувчи органларнинг эксперт бўлинмалари билан ҳамкорлигининг мақбул механизмини яратиш.

Муаллиф диссертацияда тадқиқотнинг асосий илмий натижаларини: ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашнинг илмий-назарий хулосалари, йўл-транспорт ҳодисасини криминалистик воситалар билан қайд этиш орқали жиноят-процессуал қонунчиликнинг далилий базасини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда ЙТХнинг қайд этилишини криминалистик таъминлашни мақбуллаштириш борасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ асосланган тавсияларга ажратиб, гуруҳлаштирган.

## ХУЛОСА

